

МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ ФЕНОМЕНИ ВА ҚОРАҚАЛПОКЛАРНИНГ МЕНТАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Усенов Жиенгалий Убайдуллаевич, Нукус давлат педагогика
институти доценти, фалсафа доктори (PhD)

PHENOMENON OF NATIONAL MENTALITY AND MENTAL CHARACTERISTICS OF BLACK PEOPLE

Usenov Jiengaly Ubaidullaevich, Associate Professor of the Nukus
State Pedagogical Institute, Doctor of Philosophy (PhD)

ФЕНОМЕН НАЦИОНАЛЬНОГО МЕНТАЛИТЕТА И МЕНТАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ КАРАКАЛПАКОВ

Усенов Жиенгалий Убайдуллаевич, доцент Нукусского
государственного педагогического института, доктор
философии (PhD)

Аннотация: Мақолада ёшларнинг миллий менталитетини шаклантиришида халқ донолиги ўғитлари, оғзаки адабиёт намуналари, бадий-адабий меросларнинг ўрни ва аҳамияти алоҳида эканлиги келтириб ўтилган. Яна қорақалпоқ халқи тарихи ва миллий қадирятларини ўрганиши борасида янги вазифаларни белгилаб берган. Айниқса қорақалпоқ халқининг қадимги давлатчилик урф-одат дастурлари, этник тарихи ва этногенезига алоқадор фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: достон, ҳулқ-автор, менталитет, характер, халқ, тарих, миллий қадрият, дастур, этногенез, миллий менталитет, диний урф-одат, глобализашув, адабиёт, бадий адабиёт, адабий мерос,

Abstract: The article argues that the formation of the national mentality of youth is characterized by the specificity and significance of folk tales, oral literature and artistic literary heritage. Karakalpak people also set new tasks for the study of history and national traditions. The views of Karakalpak people on the ethnic history and ethnogenesis of ancient state traditions are expressed.

Key words: folklore, history, national values, practice, ethnogenesis, national mentality, religious tradition, globalization, literary criticism, literary heritage, literary heritage, curriculum, behavioral attitudes, mental abilities, character.

Аннотация: В статье утверждается, что формирование национального менталитета молодежи характеризуется спецификой и значимостью народных сказок, устной литературы и художественного литературного наследия. Каракалпаки также ставили новые задачи по изучению истории и национальных традиций. Высказаны взгляды каракалпаков на этническую историю и этногенез древних государственных традиций.



[https://orcid.org/0009-0009-
9048-9295](https://orcid.org/0009-0009-9048-9295)

e-mail: jiengaliy@mail.ru

Ключевые слова: поведенческие установки, умственные способности, характер, фольклор, история, национальные ценности, практика, этногенез, национальный менталитет, религиозная традиция, глобализация, литературная критика, литературное наследие, литературное наследие, учебный план.

КИРИШ. ХХI асрга келиб одамзод глобал ўзгаришлар, экологик қийин вазиятлар, сиёсий ўйинлар ва ижтимоий курашлар сингари катта муаммолар гирдобида қолди. Бу нарса ўз навбатида Ғарб ва Шарқ халқларининг ижтимоий-гуманитар фанлари олдига ечилиши зарур бўлган долзарб масалаларни қўйди. Бугунги кунда Ғарбий Европа, Россия ва Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий-гуманитар фанлари йўналишларининг даражаси, геостратегик мақсадлари, текшириш усуслари ва худудий ўзига хосликлари бошқа-бошқа бўлса ҳам, илмий-тадқиқотлар марказини инсон ва унинг тафаккур тарзи масалалари эгалламоқда. ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инсониятнинг глобал муаммоларини ўрганиш бўйича бир қанча олдинга илгарилаб кетган Ғарб социологияси, маданий антропология ва социал психология фанлари олимлари одамзоднинг бу дунёда яшаб қолиш зарурлигига боғлиқ илмий фикрлар тизимини ўртага ташламоқда. М. Вебер, К. Поппер, Э. Фромм, Ж. Пол-Сартр, А. Камю, О. Тоффлар ишларида инсон масаласи табиат, жамият ва тафаккурнинг энг умумий ривожланиш қонуниятлари нуқтаи назаридан ўрганилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. Мақолада рус, хориж ва республикамиз олимларининг менталитет, миллӣ менталитет, миллӣ менталитетга хос бўлган белгиларига оид асарларидан самарали фойдаланилди.

Хозирги вақтда Ғарб давлатлари ижтимоий-гуманитар фанлари мутахассислари ўзларининг бу йўналишдаги илмий-тадқиқотлари ва кўз қарашларини бирлаштириб, маданий антропология йўналишида илмий тадқиқотлар яратишга эришди. Натижада инсоният жамиятининг иқтисодий, сиёсий, маънавий ривожланишини юксак маданият кўз қарашидан ўрганиш лозимлиги ҳақида бир бутун концепциянинг пайдо бўлишига эришди. Собиқ

иттифоқнинг ижтимоий-гуманитар фанларида эса юқорида келтирилган масалалар формация ёки этносларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши кўз қарашидан ўрганилган эди[1].

ХХ аср охирида ўтиш даврини бошидан кечирган янги мустақил давлатларнинг ижтимоий-гуманитар фанлари олдида собиқ коммунистик мафкура таъсирида сингиб қолган куруқ гап, сафсатбозлиқ, сиёсатбозлиқ иллатларидан қутулиш, миллӣ ўзлигини, тарихини, маданиятини, миллӣ қадриятларини тиклаш ва миллат сифатида ўзини танитиш, дунёга эшикларни очиш, дунёвий цивилизацияга монанд қадам ташлаш каби масалаларни кўндаланг қилиб қўйди. Бу ҳолат ижтимоий-гуманитар фанларнинг тадқиқот объектига Ғарб эришган, биз ҳали улгура олмаётган маданий антропологияни теран ўрганиш масаласини олиб чиқди.

Ўша вақтдан бошлаб ижтимоий-гуманитар фанларнинг тадқиқот объекти этнос, этник, миллат масалалари бўлиб, булар янги давр кўзқарашидан теран таҳлил қилина бошлади ва бу нарса илмий парадигма кўринишига эга бўлди. Шу сабабли, ушбу даврларда этнос, этник ва миллат тушунчаларининг ўндан ортиқ таърифлари бекор қилиниб, унинг ўрнига миллӣ тафаккур тарзи, миллӣ дунёқараш, менталитет бирлигига кўпроқ эътибор қаратилган таърифлар майдонга кела бошлади. Этнос, этник ва миллат тушунчаларига ҳалигача аниқ намуна бўларлик даражадаги таърифутавсиф берилмаса ҳам, менталитет масаласи этнология доирасидан чиқиб ижтимоий фалсафа, социология, сиёсатшунослик, психология каби фан соҳаларининг долзарб тадқиқот мавзусига айланди. Шу тариқа, менталитет масаласини чуқур ўрганиш турмушнинг кун тартибига қўйилди. Бу ҳодисанинг психологик аҳамияти ҳақида психолог олим П.Н. Шихарев шундай фикр билдиради: “Тарихни инсон фаолиятининг

фақат бир доирасида, иқтисод қуршовида ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқариш куролларининг ривожланиши ва мураккаблашиши даражасида инсоният унсиз равишда уйғонишнинг ташки шаклларидан шахснинг мотивацион ядроси, қадриятлар базаси бўлган ички шаклларига кириб бормоқда”[2]. Ички шакллари деганда олим бу ерда кўпроқ менталитетни назарда тутгани кўриниб турибди.

Ш.Мадаеванинг ишида келтирилганидай, энг дастлаб “менталитет” тушунчасининг илмий муомалага киритилишида, илмий масала сифатида мазмун ва моҳиятга эга бўлишида, француз этнологи ва социал антропологи Л.Леви-Брюллнинг (1857-1939) “La mentalité primitive” асарининг тутган ўрни катта бўлиб, ундаги “примитив менталитет” тушунчаси мухим ўрин эгаллади[3].

XX асрнинг 80-йилларигача менталитет тушунчаси “маданий стереотип” деган тушунча билан юритилар эди. Бироқ янги давр талаби энди бу атаманинг менталитет маъносини етарли даражада бера олмаслигини кўрсатиб, ўтган асрнинг охирларига келиб менталитет термини “маданий стереотип” атамасини сикиб чиқара бошлади. Нимага шундай? “Маданий стереотип” атамаси менталитет терминининг маъносини бера олмадими?! Биринчидан, “маданий стереотип” термини хозирги вақтда ментал кўринишда пайдо бўлаётган динамик ўзгаришларнинг маъносини тўлиқ етказиб беролмайди. Чунки “стереотип” сўзи грекча “stereos” - мустаҳкам ва “typos” - белги, ўзига хослик сўзларининг бирикмасидан олинган бўлиб, асосан хулқ-атвор, ақл-фаросатнинг одатдаги шакли, маълум бир кетма-кетликда иш-харакатларни амалга ошириш усули, бир хиллик, ўхшашлик маъноларида қўлланилади”[4]. Шу сабабли замонавий гуманитар фан доирасида менталитет тушунчаси кенг миёсдаги маънони ифодалаб, у одамларнинг, ижтимоий гурухларнинг, халқнинг, миллатнинг тафаккур тарзи, ақл-заковат даражасини аниқлашда фойдаланилади. Иккинчидан, худди ўша вақтлардан бошлаб (ўтган аср 80-йилларининг иккинчи ярмида) жамиятда пайдо бўла бошлаган

иқтисодий, сиёсий, маънавий ўзгаришлардан таъсирланиб, манқуртлик балосидан қутулиб, ўзликни англаш, ўз келажагини ўзи белгилаш ва ривожланиш йўлига туша бошлашган миллатларнинг тафаккур тарзини маълум бир мезон асосида белгилашга табиий муҳтоҷлик пайдо бўлди. Чунки етмиш йилдан ортиқ коммунистик мафкура исканжасида яшаган миллатлар “манқуртликнинг чарм терисини” бошларидан ечиб, қуллик занжирларини узиб, миллий уйғониш босқичига кўтарилиди. Қирғиз халқининг дунёга машхур ёзувчиси Ш.Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романидаги “манқуртлик” мавзуси билан боғлиқ воқеаларни ўқиб, бундан таъсирланган халқлар (айниқса, Болтиқ бўйи халқлари биринчилардан бўлиб) “Бизлар манқурт эмасмиз!” деган шиор билан митинглар, намойишлар ўтказиб, дунёга жар согани ҳам шу даврларга тўғри келади. Демак, менталитет бир томондан стереотипда белгиланган ўзига хосликларни, иккинчи томондан, тафаккур, фаҳмлаш, мушоҳада қилиш, дунёқарашнинг ўзига хос белгиларини ҳам ўзида мужассам қиласидан кенг тушунча ҳисобланади. Шунинг учун ҳам XX аср охирларида юз берган ўзгариш ва янгиланишлар сабабли менталитет халқ ва миллатнинг тафаккур даражасини юзага чиқарадиган усул сифатида илмий объект вазифасини бажармоқда.

Ижтимоий-гуманитар фан соҳаларидағи айни заруратдан келиб чиқиб фаннинг асосий тадқиқот обьектига айланиб улгурган менталитет ҳақида бир қанча илмий таърифлар пайдо бўлди.

Масалан, Г.Хофшеднинг “Миллий давлат – умумий ментал анъананинг манбаи” номли мақоласида “миллий-идентиклик – онгли тарзда символлар, анъаналар, қаҳрамонлар образидан пайдо бўлган ментал анъананинг бир бўлими”, - дейилади[5].

Менталитет баъзи бир рус олимларининг фикрича, “индивид ёки гурухга хос фикрлаш, дунёни англаш, маънавий кайфият тарзи. Менталитет тушунчаси Farb интеллектуал турмушига онгнинг ақл ва маърифат кўзқарашидан ойдинлаштирилишига XX аср

талаб этган тузатиш сифатида киритилган. Бугунги фалсафа, маданиятшунослиқ, публицистикада бу атама халқларнинг ўзига хос миллий хусусиятлари, маданиятлари характеристикаси сифатида кўлланилади. Маданият менталитети – онга ва кўпгина инсонлар авлоди хулқ-авторида тарихан шаклланган, ўзида миллий маданий ривожланиш азалдан давом этиб келаётган анъаналарини бирлаштирган маданиятнинг теран тизими”, деб айтилади[6].

Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти томонидан нашр қилинган “Фалсафа: қомусий луғат” китобида менталитетга шундай таъриф берилган: “Менталитет (лотинча “mens” ақл, фаросат) жамият, миллат, жамоа ёки якка шахснинг тарихан шаклланган тафаккур даражаси, маънавий потенциали, турмуш қонуниятларини таҳлил қилиш кучи, маълум бир, ижтимоий шароитларда шаклланган ақл-заковат қобилияти”[7].

Б.Тошбоев менталитетга бундай таъриф беради: “Миллий менталитет – маълум бир миллатнинг этник тарихи, тили, диний эътиқоди, характеристи, дунёкараши, маросим ва урф-одат, анъаналари, табиат, инсон ва жамиятга бўлган муносабати ифодаланадиган турмуш ва тафаккур тарзи”[8].

Р.Муртазаева менталитетнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдириб, “менталитет” атамасига “миллий” сўзини қўшиб, масалани янада аниқ тавсифлайди ва шундай ёзади: “Миллий менталитет (лотинча *mentalis*) – ақл, фикрлаш тарзи. Яъни халқнинг миллий ўзлиги, миллий ўз-ўзини англашини тушуниш лозим”[9].

Республикамизнинг жамиятшунос олимларидан бири М.Бекмуродов[10] ушбу масалани илмий муаммо сифатида ўзининг монография ва илмий-тадқиқотларида акс эттиришга ҳаракат қилган. Тадқиқотчилар Ш.Гаюрова менталитетнинг ижтимоий-тарихий аспектларини ўрганган бўлса, Н.Исмоилов[11] кузатишларида менталитетнинг генеосологик ва тарихий асосларига эътибор қаратган, Ш.Мадаева[12] ўзбек менталитетида демократик

тафаккурнинг шаклланиш хусусиятларини тадқиқ қилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР. Демак, юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсан, менталитет обьекти “миллий идентификация”, “маданий стереотип” атамаларидан кейин ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида ўзининг маъноси ва таърифи қамрови такомиллашгани ва “менталитет”, “миллий менталитет” деган терминлар билан аталганлигини кўрамиз. Чунки биз юқорида айтганимиздай, миллий менталитет идентификация ва маданий стереотип атамаларининг маъноси ва функциясини ҳам ўз ичига қамраб оладиган кенг ва мураккаб тушунча. У халқларнинг уруғ-қавм, этнос, элат, халқ боскичларини босиб ўтиб миллат даражасига кўтарилиган вақтда шаклланган тушунча бўлиб ҳисобланади.

XXI аср қорақалпоқ халқи тарихи ва миллий қадриятларини ўрганиш йўналишида бизнинг олдимизга янги вазифаларни қўймоқда. Бугунги кунда тарихимизнинг очилмаган саҳифалари қайта очилмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин қорақалпоқ халқининг қадимги давлатчилик анъаналари, этник тарихи ва этногенезига бағишлиланган салмоқли ишлар яратилмоқда. Бироқ афсуски, ҳозиргача қорақалпоқ халқининг миллий менталитети, унинг ўзига хос жиҳатлари, миллийлигини акс эттирадиган ютуқларимиз ва ёхуд камчиликларимиз бўйича йирик илмий тадқиқотлар деярли кўзга ташланмаяпти.

Тарихдан маълумки, дунёда ҳар бир миллатнинг, жумладан, қорақалпоқларнинг ҳам ақлий-интеллектуал қиёфаси, яъни миллий менталитети ўзига хос тарихий, этник, табиий-географик шароитлар таъсирида шакллангани сабабли унинг жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, тарихий ҳодисаларга бўлган муносабати ҳам турлича бўлиши турган гап. Ваҳоланки, халқнинг миллий менталитети узок тарихий даврдаги ижтимоий-иктисодий, сиёсий жараёнлар, табиий географик мухит, ўзаро этномаданий алоқалар, диний муносабатлар негизида шаклланади, ўсиб ривожланади ва шу

омиллар ҳамда халқнинг маънавий-психологик кўзқарашлари асосида қадимий урф-одат, анъаналар ва маросимлари майдонга келади.

Менталитет ижтимоий-сиёсий жараёнлар, табиий-тарихий ҳодисалар таъсирида шакллана борадиган мураккаб жараён. Демак, қорақалпоқ халқининг миллий менталитети – бу миллатимизнинг ўзига хос миллий-маънавий қиёфаси, ақл-фаросати ва фикрлаш даражаси бўлиб, унинг илдизлари узоқ ўтмиш, тарихий жараёнлар билан туташган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Қорақалпоқ халқи миллий менталитетининг шаклланишида диний-ғоявий (зардуштийлик, буддизм, ислом) босқичлари алоҳида ўрин тутади. Бу босқичларни бошидан кечиргунча қанча авлодлар келиб кетди. Ўз навбатида бу омиллар халқимизнинг миллий менталитетига таъсир қилиб, унинг миллий характеристерининг ва хулқ-авторининг шаклланишида ўчмас из колдирди.

Халқимизнинг қадим ўтмишда кенг далаларда, сахро ва чўллар бағрида турмуш кечириши, кўчманчи қавмлар ва уруғлар бирлашмаларида аралашиб яшashi, яъни жамоавий турмуш тарзига ўтгандан кейин, бир-бирининг манфаати учун от солишгани, ташки душманлардан ўзларини, туғилган жойини ҳимоя қилиш учун олиб борган қаҳрамонлик курашлари, кейин эса ўз олдига алоҳида халқ ва миллат сифатида шаклланишида, унинг миллий менталитетида бор бўлган хусусиятларнинг, ўзига хосликларнинг пайдо бўлишида катта роль ўйнади. Халқимизнинг миллий менталитетидаги кенг феъллилик, бағрикенглик, меҳмондўстлик, сахийлик, мардлик, жанговарлик, ёрдамга муҳтоҷларга ёрдам қўлини чўзиш, дардига дардмандлик, ростгўйлик, соддалик, ишонувчанлик, жайдарилик каби характеристерли белгилар биз юқорида таъкидлаб ўтган омилларнинг таъсирида пайдо бўлган ва ривожланган.

Қорақалпоқларнинг миллий менталитетига хос бўлган ўзига хосликлардан яна бири – бу унинг урф-одат, анъаналарга бой бўлишидир. Булар халқимизнинг ўтмишда

туркий халқлар силсиласида униб-ўсганлигидан дарак беради. Биз буни айниқса, халқимизнинг тўй-томушаларга алоҳида бир қадрият сифатида қараб, барча йиғиб-терганини фарзандининг шодиёна кунига бағишлишидан завқланиши, бундан роҳатланиши, “топган-тутганинг тўйга буюрсин” деган хайрли дуоларнинг пайдо бўлиши, мотам маросимларини ҳамжиҳатликда ўтказиши, хуллас, инсоннинг туғилганидан бошлаб, дунёдан ўтгунга қадар барча урф-одат, анъаналаримизда кенг жамоа, маҳалланинг доим бирга бўлиши каби ҳолатларидан кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам, “жамият Farbda қонунлар, Шарқда урф-одатлар билан бошқарилади”, - деган иборанинг пайдо бўлишида ҳам катта рамзий маъно бор.

Миллий менталитетга хос бўлган белгилар бир қолипда турмайди, яъни улар ўзгариб, ривожланиб боради. Халқ тарихий-сиёсий ҳодисалар таъсирида миллий менталитетга тегишли бўлган ўзига хосликларни ривожлантириб, сайқал бериб боради. Чунки халқ тарбиячи, халқ муаллим. У миллий менталитетда учрайдиган нуқсонларни бартараф қилиб, энг сара томонларини кўз қорачиғидай авайлаб авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдирди. Бироқ бир аянчли жойи, собиқ иттифоқ хукумати даврининг чиркин сиёсати халқимизнинг миллий менталитетига салбий таъсир кўрсатди. Масалан, шўролар даврида халқимизга хос бўлган ҳамжиҳатлик, жанговарлик, сўз билан ишнинг бирлиги каби ижобий фазилатларга путур етказилди. Халқ орасида миллатнинг ор-номуси учун бел боғлашдан кўра гурухбозлик, ошна-оғайнигарчиликка, уруғ-аймоқчиликка берилиш кучайди. Халқнинг миллий менталитетида тақдирга тан бериб яшаш, бировга орқа суюш, дангасалиқ, бепарволик каби салбий иллатлар урчигандан урчиди. Етмиш йилдан ортиқ давом этган босим ва зуғум даврида халқимизнинг миллий ва диний қадриятлари топталди, оёқости қилинди. Халқнинг ўзлигини таниши, тарихининг қайта тикланиши, дини, эътиқоди, она тилининг, урф-одат ва анъаналарининг қайта бўй тикилаши мустақилликнинг шарофати билан

қайта тирилди. Бироқ бугунги кунда бутун дунёда пайдо бўлган яна бир катта муаммо – глобаллашув жараёни натижасида дунё халқлари учун умумийлашган этикет, умумийлашган менталитет шаклланмоқда. Бу ўз навбатида миллий менталитетимизга хос бўлган белгиларнинг емирилишига олиб келмоқда. Шу сабабли бизнинг вазифамиз – бундай оғир синовлардан халқимизнинг миллий менталитетини, ўзига хос миллий қиёфасини, миллий характерини “олов ичиди пахтани ёндиримай сақлагандай” қилиб олиб ўтиш, айниқса, келажагимиз бўлган ёшларни миллий менталитет руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбини, онгини бўшлиқдан, зарарли иллатлардан асраш, уларни комил инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. М., 1983; Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. Л., 1990; Козлов В.И. Этнос. Нация. Национализм. М., 1999; Рыбаков С.Е. Философия этноса. М., 2001.
2. Шихарев П.Н. Современная социальная психология. – Екатеринбург. Деловая книга. М., 2000, С. 7.
3. Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. Тошкент. 2007. 15-бет.
4. Умарова Н.Т. Жамият сиёсий маданиятининг шаклланишида этник феъл-атвор

стереотипларининг ўрни // С.Ф.Н. Илмий даражасини олиш учун канд. дисс. 1997. 22-б.

5. Hofstede G. The nation-state as a source of common mental programming: Similarity a differences across Eastern a. Western Europe // The Future of the nation-state. N. Y., 1996. – P19-49. p. 34.

6. Кравченко А.И. Культурология: Словарь. М.: Академический проект. 2000. С. 343.

7. Фалсафа қомусий лугати. – Тошкент: Шарқ, 2004. 257-б.

8. Тошбоев Б. Миллий характер шаклланиши ва такомиллашувининг ижтимоий-фалсафий масалалари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд. 2018. 12-бет.

9. Муртозаева Р. Ёшлар ва ўзбек менталитети хусусиятлари. Шахс баркамоллиги: ахлоқий-эстетик жиҳатлар. ЛСА – Япония ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда бўлиб ўтган халқаро конференция материалари. – Тошкент.: 2012. 11- б.

10. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети: кеча ва бугун // Тафаккур. №2, 2002. 16-17- б.

11. Исмоилов Н. Миллий менталитетнинг туб илдизи // Мулоқот. №4, 2001. 28-29- б.

12. Мадаева Ш. Ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиши хусусиятлари. Фалс.фан.док.илм.даражада олиш учун ёз.дисс. – Тошкент.: 2009.

